

ТАЛАБА КУНДАЛИГИДАН

Талаба учун энг хатарли жой бу — ётоқхонадаги музлаткичдир. У худди қопқонга ўхшайди. Очсанг — тутиласан, қочсанг — ютиласан.

Дўстлари даврасида устозини яхшилайдиган талабани, мураббийлар орасида ўқувчисини мақтайдиган домлани ҳеч ким кўрмаган.

Сессия вақтида қизил кўйлак кийиб олган домланинг йўлини кесиб ўтиш кўнгилсизликдан дарак. Аксинча, йўл бермоқ омад белгиси.

Соат тақиб юрадиган талабаларнинг ҳаммасини вақтнинг қадрига етади деб ўйламанг. Улар орасида танафусни кутадиганлари анчагина.

Кимдир сизга душманлик қилса энг осон қарғиш қуйидагича: — Фарзандинг контрактда ўқисин.

Талаба билан домланинг орасида асосий фарқ шундаки, бири кўлини кўксига қўйиб гапиради, иккинчиси чўнтакка солиб.

Домлалар кутилган совғани ёқтиришади, талабалар эса кутилмаганини.

Талаба учун энг ширин таом, бировнинг қозонида қайнаётган овқатдир.

Домладан яна бир бор имкон сўрашнинг ўзи, энг сўнги имкониятни йўққа чиқаришдир.

Аудиторияга кирганда олд қаторга ўтиришга шошилманг, чунки энг буюк ғоялар орқа парталарда туғилади.

Университетда ўқийдиган аксарият йигитлар бўйинбоғ тақишни, қизлар эса юбка кийишни ўзлари учун орият ҳисоблайдилар.

Талаба учун уйқунинг тури кўп: тунги уйқу, трамвайдаги уйқу, йигинлардаги уйқу ва ниҳоят лексиядаги уйқу.

“НОБЕЛЬ” ни оламан деганлар эмас, Нобельдек бўламан деганлар ютади.

Узоқдаги “ТОШМИ” дан кўра, яқиндаги “ПОЛИТЕХ” яхши.

Maxsuma OQQO'ZIYEVA